

# Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш тұғрисида

## ШАРТНОМА № 42734

Тошкент ш.

2022 йил “12” 09

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA” давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш күрүвчи директор в.б. Р.У. Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “COMPLEX GRAPHICS” масъулияти чекланган жамияти номидан Устав асосида иш күрүвчи директор Ж. Кудратов иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022-йил 7-сентябрдаги 140736-сонли танлов натижаларига кўра мазкур шартномани, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, куйидагилар тұздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи “Тошкент шаҳар, Олмазор туманиндағи 102-сонли заиф эши туви болалар учун ихтиослаштирилган мактаб интернат биноларининг фасади, ошхонаси ва технология хоналарини таъмирлаш ҳамда спорт комплекс ва ишлаб чиқариш устахонасини ташкил этиши.(АРТ 1-2 хисобга олган холда). Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун” обьекти учун лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиха;
- жорий нархлардаги смета хисоби;
- АРТ 1-2 харажатлари;

1.2. Бажарувчи ишларни лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва коидалари ва бўшқа хужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойихалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома хисобланади. Лойихалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган қундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиха-смета хужжатлари ишларини яқунига етказгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиха ва қидирав ишлари хужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

1.6. Бажарувчи томонидан ишлаб чиқилган лойиха-смета хужжатларида камчиликлар аниқланса, келтирилган зарар бажарувчи томонидан қопланади.

### 2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиха тадқиқот ишлари учун смета хисобига асосан (**ҚҚС билан**) **100 050 000 (Юз миллион эллик минг)** сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичидан шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича колган маблаг маблаглари мутаносиб равища ушлаб колинган холда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-кабул килиш далолатномаси ҳамда хисоб-фактура расмийлантирилиб, манзилли рўйхат асосида маблаглар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний хисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солик қонунчилигини бузилишига йўл кўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

### **3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. Бажарувчи қуидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойихалаш ҳакидаги топширикка ва бошка бошлангич маълумотларга мувофик ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиха-смета хужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиха-смета хужжатлари бўйича асосланган эътиrozларини инобатга олиб лойиха-смета хужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиха-смета хужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. Тайёрланган лойиха-смета хужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга каршилик килиш ёки бажаришни чеклаш хукуки йўклигини кафолатлаш.

3.2. Буюртмачи қуидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани I.I. бандида назарда тутилган ишларни қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиха-смета хужжатларидан факат мазкур шартномада назарда тутилган максадлар учун фойдаланиш, лойиха-смета хужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиха-смета хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан кўзгатилган даъво юзасидан ишга катнашишга Бажарувчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошлангич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошлангич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошлангич малумotларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни ичida Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб хисобланади ва бундай холат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиха-смета хужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик курилиш жараённида, шунингдек тайёрланган лойиха смета хужжатлари ва бажарилган кидирав ишлари маълумотлари асосида барпо этилган обьектни ишлатиш жараённида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиха-смета хужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиха-смета хужжатларини бепул кайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофик зарур кўшимча кидирав ишларини бажариши шарт.

## **4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

4.1. Лойиха-смета хужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида боскичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичida ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул килмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул килган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичida Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул килмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига кайташи шарт.

Лойиха-смета хужжатларининг мураккаблик даражасига караб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (үттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул килмаслигининг асоси рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиха-смета хужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аникланса, тарафлар 5 кун муддат ичida уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил экспертларга лойиха-смета хужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиха-смета хужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аникланса, бундай камчиликларни смета хужжатларини қабул килаётганда аниклаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниклангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичida ёзма равишида огоҳлантириш ва камчиликларни киска муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

## **5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ**

5.1. Лойиха-смета хужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиккан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

## **6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Бажарувчи лойиха-смета хужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета хужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган обьектдан фойдаланиш жараёнида аникланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиха-смета хужжатларида камчиликлар аникланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган заарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳак тўланмаганлик (ўз вактида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечикирилган ҳар бир кун учун ўз вактидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз микдорида, бирор ҳарч шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган микдорда пена тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вактида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечикирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар кийматининг 0,5 фоиз микдорида, бирор ҳарч шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган микдорда пена тўлайди.

6.5. Пенянинг тўланганлиги ва заарнинг копланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## **7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасdir.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳакиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иктиносидий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

## **8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартериш ва қўшичалар улар ёзма равища расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилиги Фазначилигида рўйхатдан ўтган тақдирда ҳакиқий хисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;

- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топширикда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиха ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;

- Буюртмачи лойихалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга кўра кечиктириса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида карорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

## **9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР**

9.1. Тарафлар шартнома тузишида, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий харакатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда конунга хилоф равишида пул, моддий кимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда килинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги харакатларни амалга ошириши ёки

қилиши мүмкінлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасыда жалб қилинган шахсларнинг ушбу харакатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат киладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазийк ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор килиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор килишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан коидабузарликларни бартараф килиш бўйича оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар кўрилмагандага, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда заарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## 10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг хисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувининг қўшма далолатномасида кайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигига рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амал қиласи.

10.6. Шартномага қўйидагилар илова килинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова – Календар иш жадвали;

3-илова - Лойиха тадқиқот ишлари учун смета хисобига.

## 11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

### БЮОРТМАЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA  
BUYURTMASI XIZMATI INJINIRING

КОМПАНИЯ” ДУК

Юридик манзили: РКП ГУ ЦБ г. Тошкента  
МОФ 00014 ИНН 204 775 594  
100027, Тошкент ш., И. Каримов кучаси,  
16а-уй.

100021860262777098805075044

ОКОНХ 69000

СТАВЛЕННИЕ КАЗНАЕЙСТВА

МИНИСТЕРСТВО ПО ФИНАНСАМ РУЗ

1023402000300100001010

ИНН 201 122 99

Директор в.б.

Р.У. Кучкаров



### БАЖАРУВЧИ

“COMPLEX GRAPHICS” МЧЖ

#### Юридик манзили:

Тошкент ш. Юнусобод туман,

А. Темур-107б

х/р: 2020 8000 1050 7824 5001

АТБ “Давр банк” Юнусобод филиали.

МФО: 01122

СТИР: 306 408 443; ОКЭД: 41100

Директор

Ж.О. Құдратов



Юрист: Жансебай Н.

“Тасдиқлайман”  
Тошкент шаҳар ҳокимиияти  
“ЯБХ” ИК директори в.б.  
Комиссия раиси  
Р.У. Кучкаров

«12» 09 2022й.

## Тошкент шаҳар

“Тошкент шаҳар, Олмазор туманидаги 102-сонли заиф эшитувчи болалар учун  
ихтисослаштирилган мактаб интернат биноларининг фасади, ошхонаси ва  
технология хоналарини таъмирлаш ҳамда спорт комплекс ва ишлаб чиқариш  
устахонасини ташкил этиш. (АРТ 1-2, топохарита геология ЗВОСни хисобга олган  
холда).Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун.” обьектининг лойиҳа-смета  
хужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини аниқлаш бўйича Тошкент  
шаҳар ҳокимиияти “ЯБХ” ИК танлов комиссияси йиғилишининг

## БАЁНИ

### Комиссия аъзолари:

С. Сагдиев

-Бош мухандис в.б.

Ш. Қодиров.

-БРБЛ ва ТХРОТ бўлим бошлиги

Хамидов О.

-ЛБ ва ҚТНҚ бўлим бошлиги

Турсунов З.

-Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб  
чиқаришни маҳаллийлаштириш ва  
саноатда кооперация алоқаларини  
кенгайтириш бўйича масалалари  
ёрдамчиси (Ўзб. Рес. Президентининг  
ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди  
асосида бир шартнома бўйича БҲМ  
2 500 бараваридан ортиқ бўлса  
иштирок этади)

Абдусатторов П.

-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутаҳассиси

Холмаматова М.

-БРБЛ ва ТХРОТ 1-тоифали мутаҳассиси

## КУН ТАРТИБИ

“Тошкент шаҳар, Олмазор туманидаги 102-сонли заиф эшитувчи болалар учун  
ихтисослаштирилган мактаб интернат биноларининг фасади, ошхонаси ва технология  
хоналарини таъмирлаш ҳамда спорт комплекс ва ишлаб чиқариш устахонасини ташкил  
етиши.(АРТ 1-2, топохарита геология ЗВОСни хисобга олган холда).Лойиҳа-смета  
хужжатларини ишлаб чиқиш учун.” обьекти бўйича(кейинги ўринларда обьект деб  
аталади).

(Р.Кучкаров, С.Сагдиев, Ш. Қодиров, О.Хамидов, З. Турсунов, П. Абдусатторов, М. Холмаматова)

Компания томонидан 2022 йил 26 август куни Ўзбекистон Республикаси товар  
хом-ашё биржасининг электрон порталига ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) обьектнинг лойиҳа-смета  
хужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини танлаш мақсадида № 140736 лот  
рақамли эълон жойлаштирилди. Мазкур эълон бўйича беш иш куни мобайнида электрон  
портал орқали танлов иштирокчилари томонидан электрон тарзда тақдим қилган  
таклифлар қабул қилинди. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва  
кўйилган талабларга асосан баҳоланди. Натижаларга асосан танловда “COMPLEX  
GRAPHICS” МЧЖ ғолиб бўлганини инобатга олиб:

## ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Конунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига мухокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича хеч қандай эътиrozлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. БРБЛ ва ТХРОТ бўлими бош мутахассиси Х.Юсупов.

Юқоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 07 сентябрдаги электрон баённомасига асосан “Тошкент шаҳар, Олмазор туманидаги 102-сонли заиф эшигувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб интернат биноларининг фасади, ошхонаси ва технология хоналарини таъмирлаш ҳамда спорт комплекс ва ишлаб чиқариш устахонасини ташкил этиш.(АРТ 1-2, топохарита геология ЗВОСни хисобга олган холда).Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун.” обьектининг лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “COMPLEX GRAPHICS” МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.


### Комиссия аъзолари.




С. Сагдиев



Ш. Қодиров




О. Хамидов



П. Абдузатторов



М. Холматова

"Астанастанан"  
Тошкент шахар хокимининг  
Биринин Уйбосари  
  
Б.С.РАХМОНОВ  
2022 й.

Республика бойлестинин 2022 йил иккичи чорак даромадлар расасини ортириб бажерилган кисми хисобланан  
Тошкент шахар хокимининг 2022 йил 5 авгуустаги 808-14-0-Q22-сонли карори  
объектларнинг куриш бўйича

2022 йилги МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

№	Объектларни художникларни бўйича	Куриш бўйича	Объектларни урешид көнгалини жадош тотишни бўйича	2022 йил учун кийнсанда майдани		2022 йилда фойдаланиши		01.01.23 й., жадош бўйича	01.01.23 й., жадош бўйича бўйича	Энзарга художникларни бўйича	Тошкент (шахар) яшайтиш бўйича сўйиган санаси	Тошкент шахар хокимининг бўйича												
				1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	
1	Тошкент шахар. Жондерийн Гумар. Бобур бўйича 45-йил маданият номидаги учи	объект	36.545,115 927,523	30 805,313 414,292	30 805,313 414,292	1 585,008 1 585,008	1 585,008 1 585,008	36 345,115 29 805,313	31 917,562 29 917,562	1 000,000 1 000,000	1 000,000 1 000,000	объект	36 345,115 29 805,313	29 917,562 1 779,500	0,000 1 779,500	0,000 1 779,500	0,000 1 779,500	0,000 1 779,500	0,000 1 779,500	0,000 1 779,500	0,000 1 779,500	0,000 1 779,500	0,000 1 779,500	0,000 1 779,500
2	Тошкент шахар. Шабабчалик. Олони Мадда 30-йил маданият номидаги учи	объект	18 341,082 504,978	17 305,423 196,784	17 305,423 196,784	1 779,500 1 779,500	1 779,500 1 779,500	18 341,082 29 805,313	29 917,562 31 917,562	5 581,027 1 000,000	5 581,027 1 000,000	объект	18 341,082 29 805,313	29 917,562 1 779,500	0,000 1 779,500	0,000 1 779,500	0,000 1 779,500	0,000 1 779,500	0,000 1 779,500	0,000 1 779,500	0,000 1 779,500	0,000 1 779,500	0,000 1 779,500	
3	Тошкент шахар. Жондерийн Гумар. Натроҳт. Юнусбек 14-йил маданият номидаги учи	объект	18 290,957 600,811	12 101,695 590,459	12 101,695 590,459	10 595,284 567,642	10 595,284 567,642	18 290,957 29 805,313	29 917,562 31 917,562	1 000,000 1 000,000	1 000,000 1 000,000	объект	18 290,957 29 805,313	29 917,562 31 917,562	6 582,984 1 000,000	6 582,984 1 000,000	5 581,027 1 000,000	5 581,027 1 000,000	5 581,027 1 000,000	5 581,027 1 000,000	5 581,027 1 000,000	5 581,027 1 000,000	5 581,027 1 000,000	5 581,027 1 000,000
4	Тошкент шахар. Ш.Бозоғон. Умариюннинг 30-йил маданият номидаги учи	объект	25 828,563 941,565	8 448,163 256,501	8 448,163 256,501	9 231,481 267,050	9 231,481 267,050	25 828,563 29 805,313	29 917,562 31 917,562	1 000,000 1 000,000	1 000,000 1 000,000	объект	25 828,563 29 805,313	29 917,562 31 917,562	3 561,723 1 730,912	3 561,723 1 730,912	30 12-2021 14:23: 094							
5	Тошкент шахар. Олонкор. Туманининг ёкин таҳсилоти бўйича	объект	455,200 455,200	455,200 455,200	455,200 455,200	455,200 455,200	455,200 455,200	455,200 455,200	455,200 455,200	455,200 455,200	455,200 455,200	объект	455,200 455,200	455,200 455,200	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000
6	Тошкент шахар. Чилдор. Гуломиён жонидаги 14-йил маданият номидаги обьектларни таҳсилоти бўйича	объект	353,500 353,500	353,500 353,500	353,500 353,500	353,500 353,500	353,500 353,500	353,500 353,500	353,500 353,500	353,500 353,500	353,500 353,500	объект	353,500 353,500	353,500 353,500	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000
7	Тошкент шахар. Учташ таҳсилоти 25-солинийни таҳсилоти	объект	189,700 189,700	189,700 189,700	189,700 189,700	189,700 189,700	189,700 189,700	189,700 189,700	189,700 189,700	189,700 189,700	189,700 189,700	объект	189,700 189,700	189,700 189,700	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000
8	Тошкент шахар. Учташ таҳсилоти 25-солинийни таҳсилоти	объект	27,700 27,700	27,700 27,700	27,700 27,700	27,700 27,700	27,700 27,700	27,700 27,700	27,700 27,700	27,700 27,700	27,700 27,700	объект	27,700 27,700	27,700 27,700	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000
9	Тошкент шахар. Учташ таҳсилоти 25-солинийни таҳсилоти	объект	25,000 25,000	25,000 25,000	25,000 25,000	25,000 25,000	25,000 25,000	25,000 25,000	25,000 25,000	25,000 25,000	25,000 25,000	объект	25,000 25,000	25,000 25,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000
10	Тошкент шахар. Учташ таҳсилоти 25-солинийни таҳсилоти	объект	623,300 623,300	623,300 623,300	623,300 623,300	623,300 623,300	623,300 623,300	623,300 623,300	623,300 623,300	623,300 623,300	623,300 623,300	объект	623,300 623,300	623,300 623,300	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000
11	Юнайтед Групингада 25-солинийни таҳсилоти	объект	300,000 300,000	300,000 300,000	300,000 300,000	300,000 300,000	300,000 300,000	300,000 300,000	300,000 300,000	300,000 300,000	300,000 300,000	объект	300,000 300,000	300,000 300,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000	0,000 0,000

"Кепинчидди" Тошкент шахар Иккисиёни таракқасёт  
Ба-Камбагалинкини кискартириши  
бўйича  
Ш.И.Ишкуров  
2022 й.

"R" 8592-C  
Тошкент шахар  
хокимининг  
бўйича  
Оригинал МУК  
Мурад Ташр  
Сарвар  
Оригинал МУК  
Юхаридар  
Куриш МУК  
Тошкент  
Куриш  
Оригинал МУК  
Qayrotdor МУК  
NT Ingeneering  
Trend

№	Күрнәмегінен нағылданып жасағылған жыныс	Ойынан туралы жазак жеке ойын	Ойын туралы жазак жеке ойын	2022 жыл жарық көтөрүлгөн ойын				2022 жыл жарық көтөрүлгөн ойын				01.01.23 8 жасаңында біншіншінде жасағылған жыныс	01.01.23 8 жасаңында біншіншінде жасағылған жыныс								
				Сыныптағы тәсілдердегі жыныс	Максимум жыныс	Бағдарлама жыныс	Күрнәмегінен нағылданып жасағылған жыныс	Сыныптағы тәсілдердегі жыныс	Максимум жыныс	Бағдарлама жыныс	Күрнәмегінен нағылданып жасағылған жыныс										
1				3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
11	Юнусбек Гүлмисин 202-кодын жарық көтөрүлгөн ойынан жеке ойында жасағылған жыныс			2022-2023	адам				300,000		300,000	адам									
12	Юнусбек Гүлмисин 202-кодын жарық көтөрүлгөн ойынан жеке ойында жасағылған жыныс			2022-2023	адам				250,000		250,000	адам									
13	Толсият шахер Мирзо Нұргалиев Гүлжанан "Наполис" мәдд. көрсетілген жыныстың тәсілдерін көнбаптастырып қорытындыста 1-неше жыл да жыныс			2017-2023	адам				200,000		200,000	адам									
14	Толсият шахер Оңдырау Үннисибеков 102-кодын жарық көтөрүлгөн ойынан жеке ойында жасағылған жыныс			2017-2023	адам				200,000		200,000	адам									
15	Толсият шахер Зинаида Рахметова 51-неше жылы да жыныстың тәсілдерін көнбаптастырып жыныс			2017-2023	адам				200,000		200,000	адам									
16	Толсият шахер Гульшатыр Азизова 51-неше жылы да жыныстың тәсілдерін көнбаптастырып жыныс			2017-2023	адам				200,000		200,000	адам									
17	Юнусбек Гүлмисин 202-кодын жарық көтөрүлгөн ойынан жеке ойында жасағылған жыныс			2017-2023	адам				152,300		152,300	адам									
18	Марат Сабиров Улешов "Карасай" 51-неше жылы да жыныстың тәсілдерін көнбаптастырып жыныс			2019-2023	адам	9.667.418	3.007.310	3.007.310	1 000,000	1 000,000	адам	9.667.418	770,355	2 334,770	27.05.2020	\$ 58 BM 23.05.2018 35-саннын	"NEW STROY GARANT" МЖК				
19	Толсият шахер Мирсаид Қасымов "Корсак" жеке ойынан жеке ойында жасағылған жыныс			2019-2023	адам	7.828.520	3 274,085	3 274,085	4 370,605	500,000	500,000	адам	7.828.520	2 242,109	2 990,005	12.03.2020	ҰЗЫ BM 28.05.2018 33-саннын	"Андромеда МРЖ"			
20	Толсият шахер Юнусбек Гүлжанан "Наполис" жеке ойынан жеке ойында жасағылған жыныс			2018-2019	адам					472,200		адам									

Інв.: Толсият шахер, Қасымов Қасым, 90-жылдың 45-ші жыныс жынысшының биңін Толсият шахер жароғынан 2022 йыл 30 нафчынын 563-1-44-QC2-жыныс жыныс 641 000 000 тәуелсіз электроплата

- Толсият шахер, Үлешов Улеш, Оңдырау Үннисибек 51-неше жыныс жынысшының биңін Толсият шахер жароғынан 28.04.2022 дәрілең №1 189-4 жыл сәуле

- Толсият шахер, Үлешов Улеш, Оңдырау Үннисибек 51-неше жыныс жынысшының биңін Толсият шахер жароғынан 20.01.2023 дәрілең №1 45-1-44-QC2-жыныс жыныс 30.05.2022 дәрілең №1 563-1-44-QC2-жыныс жыныс 641 000 000 тәуелсіз электроплата

- Марат Сабиров Улешов "Карасай" 51-неше жылы да жыныстың тәсілдерін көнбаптастырып жыныс


- Толсият шахер, Мирсаид Қасымов "Корсак" жеке ойынан жеке ойында жасағылған жыныс

"Кирилди"  
Толсият шахер ойындарының  
"Ягона бүрткімділік" дәстүрлік  
директорыға б

R. Kursatov  
2022-11-09

"Келиніңді"  
Толсият шахер  
Директорының  
баспасының баспасының

Л.Н.Исматуллаев  
2022-11



"Келиніңді"  
Толсият шахер  
Директорының  
баспасының баспасының

Л.Н.Исматуллаев  
2022-11